



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 15 » avgust

№ 446

Toshkent sh.

Давлат иштирокидаги йирик корхоналар акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” 2022 йил 8 апрелдаги ПФ–101-сон ва “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 13 апрелдаги ПФ–6207-сон Фармонлари ҳамда “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 17 январдаги ПҚ–90-сон қарорига мувофиқ акциялари бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий жойлаштириладиган корхоналар белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 114-бандига мувофиқ 2022–2023 йилларда давлат тасарруфидаги йирик корхоналар акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш орқали хусусийлаштириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат тасарруфидаги йирик корхоналарни аудитдан ўтказиш, хусусийлаштириш жараёнларига халқаро экспертларни жалб қилиш, корхоналар акцияларини маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида оммавий жойлаштиришни назарда тутувчи **2022-2023 йилларда давлат иштирокидаги йирик корхоналар акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш бўйича “йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органларида қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши ва уларнинг ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишини таъминласин:

“йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ижросини сифатли ва ўз муддатида таъминлашга тегишли давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижро этувчи органи раҳбарларини шахсан масъул этиб белгилаш;

давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши томонидан ижро этувчи органи раҳбарларига акцияларни оммавий жойлаштиришни сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш.

4. Белгилансинки, давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш жараёнлари Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқлаштирилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда белгиланган топшириқлар ижросини таъминламаган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини **ҳар чоракда** шакллантириб, тегишли чоралар кўриш учун бошқарув органларида кўриб чиқилишини ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 15 августдаги 446-сон қарорига
илова

**2022-2023 йилларда давлат иштирокидаги йирик жамиятлар акцияларини
фонд биржасида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1. “Ўзметкомбинат” АЖ					
1.	Жамият акцияларини оммавий жойлаштиришга (“IPO”) тайёргарлик кўриш.	<p>1. Жамиятни аудитдан ўтказиш ва унинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Бошқа жамиятлар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO” учун консултантларни (андеррайтерлар, глобал координаторлар, букраннерлар ва қўшма бош менежерларни) жалб қилиш учун техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш.</p> <p>6. “IPO”га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Бизнес-режа лойиҳаси</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Таҳлилий маълумот</p> <p>Шартнома</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил сентябрь</p>	“Ўзметкомбинат” АЖ (<i>Р.Пирматов</i>)

2.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш.	1. Дастлабки ўрганишлар натижалари асосида нарх чегараларини белгилаш. 2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи (Кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши) билан келишиш.	Бошқарув органи баёни	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра (2022 йил IV чорак - 2023 йил I чоракда қутилмоқда)	“Ўзметкомбинат” АЖ (Р.Пирматов), андеррайтер(лар)
3.	Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш.	1. Қўшимча акциялар эмиссияси рисоласи (проспект) ва бошқа тегишли маълумотларни тайёрлаш. 2. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш. 3. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини ваколатли давлат органи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш.	Амалий чоратadbирлар Бошқарув органи баёни	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра (2022 йил IV чорак - 2023 йил I чоракда қутилмоқда)	“Ўзметкомбинат” АЖ (Р.Пирматов), андеррайтер(лар), юридик консультант(лар)
4.	Обуна кампанияси.	1. Ахборот хужжатларини тайёрлаш (варақалар, буклетлар, баннерлар, меморандумлар, аудио-видеоклиплар ва бошқалар). 2. Ахборот хужжатларини инвесторлар ўртасида тарқатиш, шунингдек, жойларда ариза ва тўловларни қабул қилиш имкониятини яратишни назарда тутувчи Обуна кампаниясини ўтказиш (шу жумладан, республика худудларида). 3. “IPO” натижалари бўйича тадбир ташкил этиш. 4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш. 5. Эмиссия ташкилотчиси томонидан акцияларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш (акциялар жойлаштирилмаган тақдирда).	Амалий чоратadbирлар График Давра суҳбати Депозит ҳисоб-варағидан кўчирма	Андеррайтерлар билан келишилган муддатларда (2022 йил IV чорак - 2023 йил I чоракда қутилмоқда) Андеррайтерлар билан келишилган муддатларда Андеррайтерлар билан келишилган муддатларда	“Ўзметкомбинат” АЖ (Р.Пирматов), андеррайтер(лар)
5.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш.	1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.	Амалий чоратadbирлар	Андеррайтерлар билан	“Ўзметкомбинат” АЖ (Р.Пирматов),

		2. Акциялар нархини ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.		келишилган муддатларда (2022 йил IV чорак - 2023 йил I чоракда кутилмоқда)	андеррайтер(лар)
2. “Курилишмашлизинг” АЖ					
1.	Жамият акцияларини оммавий жойлаштиришга (“IPO”) тайёргарлик кўриш.	<p>1. Жамиятни аудитдан ўтказиш ва унинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Бошқа жамиятлар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO” учун андеррайтер ва консультантларни танлаб олиш бўйича техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш учун брокерлар ва бошқа консультантларни аниқлаш ва жалб қилиш бўйича Давлат активларини бошқариш агентлигига таклиф киритиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Бизнес-режа лойиҳаси</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Таҳлилий маълумот</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил март</p> <p>2023 йил февраль</p> <p>2023 йил апрель</p>	“Курилишмашлизинг” АЖ (Ф.Абдурахимов)
2.	“IPO” ни ўтказиш	1. “IPO”ни ўтказиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил апрель	Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов)
3.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш.	<p>1. Дастлабки ўрганишлар натижалари асосида нарх чегараларини белгилаш.</p> <p>2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи (Кузатув кенгаши</p>	Бошқарув органи баёни	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра	“Курилишмашлизинг” АЖ (Ф.Абдурахимов), андеррайтер(лар)

		ва акциядорлар умумий йиғилиши) билан келишиш.			
4.	Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш.	<p>1. Қўшимча акциялар эмиссияси рисоласи (проспект) ва бошқа тегишли маълумотларни тайёрлаш.</p> <p>2. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш.</p> <p>3. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Бошқарув органи баёни</p>	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра	“Қурилишмашлизинг” АЖ (Ф.Абдурахимов), андеррайтер(лар), юридик консультант(лар),
5.	Обуна кампанияси.	<p>1. Ахборот ҳужжатларини тайёрлаш (варақалар, буклетлар, баннерлар, меморандумлар, аудио-видеоклиплар ва бошқалар).</p> <p>2. Ахборот ҳужжатларини инвесторлар ўртасида тарқатиш, шунингдек, жойларда ариза ва тўловларни қабул қилиш имкониятини яратишни назарда тутувчи Обуна кампаниясини ўтказиш (шу жумладан, республика ҳудудларида).</p> <p>3. “IPO” натижалари бўйича тадбир ташкил этиш.</p> <p>4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш.</p> <p>5. Эмиссия ташкилотчиси томонидан акцияларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш (акциялар жойлаштирилмаган тақдирда).</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>График</p> <p>Давра суҳбати</p> <p>Депозит ҳисоб-варағидан кўчирма Шартнома</p>	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра	“Қурилишмашлизинг” АЖ (Ф.Абдурахимов), андеррайтер(лар), бошқа консультантлар
6.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш.	<p>1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.</p> <p>2. Акциялар нархини ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра	“Қурилишмашлизинг” АЖ (Ф.Абдурахимов), андеррайтер(лар)
3. “Uzbekistan Airways” АЖ					
1.	“IPO”га тайёргарлик кўриш.	1. Жамиятни аудитдан ўтказиш ва унинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил сентябрь	“Uzbekistan Airways” АЖ (И.Махкамов)

		<p>2. Бизнес-режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Бошқа жамиятлар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO” учун консультантларни (андеррайтерлар, глобал координаторлар, букраннерлар ва кўшма бош менежерларни) жалб қилиш учун техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш.</p> <p>6. “IPO”га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>7. Акцияларни “Тошкент” Республика фонд биржасининг биржа котировкалари рўйхатига киритиш.</p>	<p>Бизнес-режа лойиҳаси Амалий чоратадбирлар</p> <p>Таҳлилий маълумот</p> <p>Шартнома</p> <p>Амалий чоратадбирлар</p> <p>Рўйхат</p>	<p>2022 йил сентябрь 2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил февраль</p> <p>2023 йил июль</p>	
2.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш.	<p>1. Дастлабки ўрганиш натижалари асосида нарх чегараларини белгилаш.</p> <p>2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи (Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши) билан келишиш.</p>	Бошқарув органи баёни	Андеррайтерлар билан келишилган муддатларда	“Uzbekistan Airways” АЖ (И.Махкамов), андеррайтер(лар)
3.	Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш.	<p>1. Қўшимча акциялар эмиссияси рисоласи (проспект) ва бошқа тегишли маълумотларни тайёрлаш.</p> <p>2. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш.</p>	<p>Амалий чоратадбирлар</p> <p>Бошқарув органи баёни</p>	Андеррайтерлар билан келишилган муддатларда	“Uzbekistan Airways” АЖ (И.Махкамов), андеррайтер(лар), юридик консультант(лар)

		3. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш.			
4.	Обуна кампанияси.	<p>1. Ахборот ҳужжатларини тайёрлаш (варақалар, буклетлар, баннерлар, меморандумлар, аудио-видеоклиплар ва бошқалар).</p> <p>2. Ахборот ҳужжатларини инвесторлар ўртасида тарқатиш, шунингдек, жойларда ариза ва тўловларни қабул қилиш имкониятини яратишни назарда тутувчи Обуна кампаниясини ўтказиш (шу жумладан, республика ҳудудларида).</p> <p>3. “IPO” натижалари бўйича тадбир ташкил этиш.</p> <p>4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш.</p> <p>5. Эмиссия ташкилотчиси томонидан акцияларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш (акциялар жойлаштирилмаган тақдирда).</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>График</p> <p>Давра суҳбати</p> <p>Депо ҳисоб-варағидан кўчирма Шартнома</p>	Андеррайтерлар билан келишилган муддатларда	“Uzbekistan Airways” АЖ (И.Махкамов), андеррайтер(лар), бошқа консултантлар
5.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш.	<p>1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.</p> <p>2. Акциялар нархини ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	Андеррайтерлар билан келишилган муддатларда	“Uzbekistan Airways” АЖ (И.Махкамов), андеррайтер(лар)
4. “Ўзбекинвест” АЖ					
1.	Жамият акцияларини оммавий жойлаштиришга (“IPO”) тайёргарлик кўриш.	<p>1. Жамиятни аудитдан ўтказиш ва унинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Бизнес-режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Бошқа жамиятлар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Бизнес-режа лойиҳаси</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил январь</p>	“Ўзбекинвест” АЖ (Р.Азимов)

		<p>4. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO” учун консултантларни (андеррайтерлар, глобал координаторлар, букраннерлар ва қўшма бош менежерларни) жалб қилиш учун техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш.</p> <p>6. “IPO”га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Таҳлилий маълумот</p> <p>Шартнома</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2023 йил февраль</p> <p>2023 йил февраль</p> <p>2023 йил февраль</p>	
2.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш.	Дастлабки ўрганиш натижалари асосида акцияларни сотиб олиш бўйича аризаларни йиғиш учун нарх чегараларини белгилаш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил март	“Ўзбекинвест” АЖ (<i>Р.Азимов</i>), андеррайтер(лар)
3.	Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш.	<p>1. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш, “IPO” ўтказиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш.</p> <p>2. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини ваколатли давлат органи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Бошқарув органи баёни</p>	2023 йил II-III чорак	“Ўзбекинвест” АЖ (<i>Р.Азимов</i>)
4.	Обуна кампанияси.	<p>1. Ахборот хужжатларини тайёрлаш (варақалар, буклетлар, баннерлар, меморандумлар, аудио-видеоклиплар ва бошқалар).</p> <p>2. Ахборот хужжатларини инвесторлар ўртасида тарқатиш, шунингдек, жойларда ариза ва тўловларни қабул қилиш имкониятини яратишни назарда тутувчи Обуна кампаниясини ўтказиш (шу жумладан, республика ҳудудларида).</p> <p>3. “IPO” натижалари бўйича тадбир ташкил этиш.</p> <p>4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>График</p> <p>Давра суҳбати</p>	<p>2023 йил II-III чорак</p> <p>2023 йил II-III чорак</p> <p>2023 йил II-III чорак</p>	“Ўзбекинвест” АЖ (<i>Р.Азимов</i>), андеррайтер(лар), бошқа консултантлар

		5. Эмиссия ташкилотчиси томонидан акцияларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиниши (акциялар жойлаштирилмаган тақдирда).	Депозит ҳисоб-варағидан кўчирма Шартнома	2023 йил II-III чорақ 2023 йил II-III чорақ	
5.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш.	1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш. 2. Акциялар нарҳини ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.	Амалий чоратadbирлар	2023 йил II-III чорақ	“Ўзбекинвест” АЖ (Р.Азимов), андеррайтер(лар)
5. “Ўзтрансгаз” АЖ					
1.	“Ўзтрансгаз” АЖнинг молиявий ҳисоботларни МХХС асосида тайёрлаш	1. 2018-2019 йиллар учун МХХС асосида тайёрланган молиявий молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик хулосасини олиш. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида жамиятнинг 2018-2019 йилларга мўлжалланган молиявий ҳисоботларини тайёрлаш. 2018-2019 йиллар учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича “Deloitte” аудиторлик компаниясининг аудит хулосасини олиш. 2. 2020 йил учун МХХС асосида тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасини олиш; – молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган молиявий ҳисоботларини тайёрлаш. – 2020 йил учун МХХС ҳисоботи бўйича аудиторлик компаниясининг аудит хулосасини олиш.	Амалий чоратadbирлар Аудиторлик хулосаси	2022 йил декабрь 2022 йил декабрь	“Ўзтрансгаз” АЖ (Б.Нарматов)
2.	Корпоратив кредит рейтингини олиш мақсадида рейтинг	1. Корпоратив кредит рейтингини олиш мақсадида рейтинг консултантини жалб қилиш:	Амалий чоратadbирлар	2023 йил II чорақ	“Ўзтрансгаз” АЖ (Б.Нарматов)

	<p>консультант лари билан ишлаш</p>	<p>рейтинг бўйича консультант танлаш учун техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва манфаатдор вазирликлар билан мувофиқлаштириш; рейтинг бўйича консультант танлаш мақсадида халқаро танлов эълон қилиш; рейтинг бўйича консультант танлаш ва шартнома тузиш. 2. Жамиятни таҳлил қилиш ва рейтинг жараёнига тайёрлаш: рейтинг бўйича зарур маълумотларни йиғиш, тайёрлаш ва рейтинг консультантсига тақдим этиш; жамият раҳбарияти ва асосий департаментлар раҳбарларидан интервью олиш; олинган маълумотларни рейтинг агентликлар методологияси бўйича таҳлил қилиш; жамиятнинг дастлабки рейтинг даражасини ҳисоблаш.</p>			
3.	<p>Корпоратив кредит рейтингини олиш.</p>	<p>1. Корпоратив кредит рейтингини белгилаш мақсадида халқаро рейтинг агентлигига мурожаат қилиш. “S&P Global Ratings”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари билан музокаралар олиб бориш; “S&P Global Ratings”, “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари билан шартномалар имзолаш. 2. Халқаро рейтинг агентликлари билан ишлаш: халқаро рейтинг агентликлари томонидан тақдим этилган саволномаларни ўрганиб чиқиш;</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Рейтинг агентлиги хулосаси</p>	<p>Консультантлар тавсиясига кўра</p> <p>Консультантлар тавсиясига кўра</p>	<p>“Ўзтрансгаз” АЖ (Б.Нарматов)</p>

		<p>саволномалар асосида маълумотлар йиғиш, уларни таҳлил қилиб халқаро рейтинг агентликларига тақдим этиш;</p> <p>халқаро рейтинг агентликлари вакиллари билан бирга, Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда “Ўзтрансгаз” АЖ раҳбарияти билан учрашувлар ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>3. Халқаро рейтинг агентликларидан рейтинг натижаларини олиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш:</p> <p>халқаро рейтинг агентликларининг якуний баҳолари ва қарорларини олиш;</p> <p>якуний рейтинг натижаларини таҳлил қилиш;</p> <p>якуний рейтинг ҳисоботи ва пресс-релизни тайёрлаш.</p>	Эълон ва мақола чоп этиш	Консультантлар тавсиясига кўра	
4.	“IPO”га тайёргарлик кўриш	<p>1. Жамиятнинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Бошқа жамиятлар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO” учун андеррайтер ва консультантларни танлаб олиш бўйича техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш учун брокерлар ва бошқа консультантларни аниқлаш ва жалб</p>	<p>Стратегия</p> <p>Бизнес-режа</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Таҳлилий маълумот</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра	“Ўзтрансгаз” АЖ (Б.Нарматов)

		қилиш бўйича Молия вазирлигига таклиф киритиш.			
5.	“IPO” ни ўтказиш	“IPO”ни ўтказиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	Андеррайтерлар ва консультантлар тавсиясига кўра	Молия вазирлиги (<i>О.Насритдинходжаев</i>)
6. АТ Халқ банки					
1.	“IPO”га тайёргарлик босқичи	<p>1. Банк акцияларини маҳаллий ва хорижий фонд биржалари орқали бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) бўйича ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “IPO”ни ташкил этувчи банклар синдикатини танлаб олиш.</p> <p>3. “IPO”ни амалга ошириш учун зарур бўлган юридик ва бошқа консультантларни танлаб олиш.</p> <p>4. Банкнинг “IPO” стратегиясини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Бошқарув органи баёни</p> <p>Шартнома</p> <p>Стратегия</p> <p>Ички корпоратив ҳужжатлар</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил декабрь 2022 йил декабрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	АТ Халқ банки (<i>Ш.Атабаев</i>)
2.	“IPO”ни амалга ошириш босқичи	<p>1. “IPO” транзакцияси тузилмаси ва амалга ошириш графигини тузиш.</p> <p>2. Банкни аудитдан ўтказиш ва Банкнинг ривожланиш (ўсиш) стратегияси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. “IPO” жараёнида самарали ҳаракат қилиш учун жамиятнинг “IPO” орқали капитални оширишдан кўзлаган аниқ мақсадларини (<i>equity story</i>) белгилаш ва инвестор хавотирларини ўрганиш.</p> <p>4. Эмиссия рисоласи (<i>Prospectus</i>) ва тегишли юридик ҳужжатларни тайёрлаш.</p> <p>5. Банк Бошқаруви бўйича тақдимот (<i>Management presentation</i>) тайёрлаш.</p>	<p>График</p> <p>Стратегия</p> <p>Таҳлилий маълумот</p> <p>Эмиссия рисоласи</p> <p>Тақдимот</p>	2022 йил давомида	АТ Халқ банки (<i>Ш.Атабаев</i>), молиявий консультантлар

		<p>6. Юридик экспертиза (<i>Due diligence</i>) жараёнини яқунлаш.</p> <p>7. “IPO”дан олдин инвесторларнинг транзакция бўйича фикр-мулоҳазалари ва қизиқишларини ўрганиш (<i>Pilot fishing</i>).</p> <p>8. Банкнинг молиявий ва операцион фаолияти таҳлили бўйича тақдимот (<i>Analyst presentation</i>) тайёрлаш.</p> <p>9. “IPO”ни амалга ошириш муддатини белгилаш.</p>	<p>Таҳлилий маълумот Тақдимот</p> <p>График</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>		
3.	“IPO” маркетингининг босқичи	<p>1. Банкнинг молиявий ва операцион фаолияти таҳлили бўйича тақдимот (<i>Analyst Deligence Meeting</i>) ўтказиш.</p> <p>2. Банкнинг баҳосини аниқлаш мақсадида капитал таҳлили бўйича ҳисоботларни инвесторларга тақдим этиш ва уларнинг акциялар нархи бўйича дастлабки баҳоларини олиш (<i>Investor education</i>).</p> <p>3. “Роуд-шоу” тадбирларини ўтказиш ва буюртмалар китобини очиш.</p> <p>4. Акцияларни нархлаш ва тақсимлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил II чорак	АТ Халқ банки (<i>Ш.Атабаев</i>), Андеррайтер(лар), молиявий консультантлар, юридик консультантлар
4.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш.	<p>1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.</p> <p>2. Акциялар нархини ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил II чорак	АТ Халқ банки (<i>Ш.Атабаев</i>), Андеррайтер(лар), молиявий консультантлар, юридик консультантлар
7. “Ўзагросуғурта” АЖ					
1.	Жамият акцияларини оммавий жойлаштиришга (“IPO”) тайёргарлик кўриш.	<p>1. Жамиятни аудитдан ўтказиш ва унинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Бизнес-режа лойиҳаси</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	“Ўзагросуғурта” АЖ (<i>Ш.Расулов</i>)

		<p>3. Бошқа жамиятлар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO” учун консультантларни (андеррайтерлар, глобал координаторлар, букраннерлар ва қўшма бош менежерларни) жалб қилиш учун техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш.</p> <p>6. “IPO”га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Таҳлилий маълумот</p> <p>Шартнома</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил январь</p> <p>2023 йил февраль</p>	
2.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш	<p>1. Дастлабки ўрганиш натижалари асосида акцияларни сотиб олиш бўйича аризаларни йиғиш учун нарх чегараларини белгилаш.</p> <p>2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи билан келишиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил март	“Ўзагросуғурта” АЖ (Ш.Расулов), андеррайтер(лар)
3.	Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш.	<p>1. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш.</p> <p>2. “IPO” ўтказиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш.</p> <p>3. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини ваколатли давлат органи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	<p>Бошқарув органи баёни</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	2023 йил март	“Ўзагросуғурта” АЖ (Ш.Расулов)
4.	Обуна кампанияси.	<p>1. Ахборот хужжатларини тайёрлаш (варақалар, буклетлар, баннерлар, меморандумлар, аудио-видеоклиплар ва бошқалар).</p> <p>2. Ахборот хужжатларини инвесторлар ўртасида тарқатиш, шунингдек, жойларда</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>График</p>	2023 йил III-IV чорак	“Ўзагросуғурта” АЖ (Ш.Расулов), андеррайтер(лар)

		<p>ариза ва тўловларни қабул қилиш имкониятини яратишни назарда тутувчи Обуна кампаниясини ўтказиш (шу жумладан, республика ҳудудларида).</p> <p>3. “IPO” натижалари бўйича тадбир ташкил этиш.</p> <p>4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш.</p> <p>5. Эмиссия ташкилотчиси томонидан акцияларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш (акциялар жойлаштирилмаган тақдирда).</p>	Амалий чора-тадбирлар Депо ҳисоб-варағидан кўчирма Шартнома		
5.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш.	<p>1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.</p> <p>2. Аризалар қониқтирилмаган тақдирда, маблағларни қайтариш.</p> <p>3. Акциялар нархини ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил III-IV чорак	“Ўзагросуғурта” Аж, андеррайтер(лар)
8. “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ					
1.	“IPO”га тайёргарлик кўриш	<p>1. Банкнинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Бизнес-режани қайта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Бошқа банклар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Банкнинг асосий молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, шу жумладан банк балансидаги даромад келтирмайдиган ҳамда ўртача бозор қийматидан паст даромад келтирадиган активларни ва муаммоли активларни аниқлаш, уларни ундириш ва сотиш ёки қўшимча таъминотларни жалб қилиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар Бизнес-режа лойиҳаси Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (А.Муратов)

		<p>5. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>6. Банк имижини яхшилаш.</p> <p>7. “IPO” ўтказиш учун жамоани шакллантириш.</p> <p>8. “IPO” учун консультантларни (андеррайтерлар, глобал координаторлар, букраннерлар ва қўшма бош менежерларни), техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш учун брокерлар ва бошқа консультантларни аниқлаш ва жалб қилиш.</p> <p>9. “IPO”га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>10. Янги оддий акцияларни “Тошкент” республика фонд биржасининг биржа котировкалари рўйхатига киритиш.</p>			
2.	Банк акцияларининг жозибadorлиги ва рақобатбардошлигини ошириш	<p>1. 2021–2023 йиллар яқунлари бўйича банк ва унинг қарамоғидаги шуба жамиятси билан биргаликдаги МХХС асосида шаклландиган йиллик жамланма соф фойдани банкнинг бир дона акциясининг номинал қийматига нисбатан маҳаллий бозордаги депозитларнинг ўртача даромадлигидан кам бўлмаган миқдорга етказишни таъминлаш.</p> <p>2. Ушбу кўрсаткичларга эришиш учун янги рақобатбардош ва жозибador банк маҳсулотларини яратиш бўйича иш олиб бориш ва ундан келажакдаги даромадни ошириш бўйича аниқ бизнес-режалар ишлаб чиқиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022-2023 йиллар давомида	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (А.Муратов)

3.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш	1. Дастлабки ўрганиш натижалари асосида нарх чегараларини белгилаш. 2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи (Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши) билан келишиш.	Бошқарув органи баёни	2022 йил октябрь	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (А.Муратов), андеррайтер(лар)
4.	Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш	1. Қўшимча акциялар эмиссияси рисоласи (проспект) ва бошқа тегишли маълумотларни тайёрлаш. 2. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш. 3. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини ваколатли давлат органи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш.	Амалий чоратадбирлар	2022 йил октябрь	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (А.Муратов), андеррайтер(лар), юридик консультант(лар)
5.	Обуна кампанияси	1. Ахборот ҳужжатларини тайёрлаш (варақалар, буклетлар, баннерлар, меморандумлар, аудио-видеоклиплар ва бошқалар). 2. Ахборот ҳужжатларини инвесторлар ўртасида тарқатиш, шунингдек, жойларда ариза ва тўловларни қабул қилиш имкониятини яратишни назарда тутувчи Обуна кампаниясини ўтказиш (шу жумладан, республика ҳудудларида). 3. “IPO” натижалари бўйича тадбир ташкил этиш. 4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш. 5. Эмиссия ташкилотчиси томонидан акцияларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш (акциялар жойлаштирилмаган тақдирда).	Амалий чоратадбирлар	2022 йил август-октябрь	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (А.Муратов), андеррайтер(лар), юридик консультант(лар)
6.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш.	1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.	Амалий чоратадбирлар	2022 йил октябрь	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (А.Муратов), андеррайтер(лар),

		2. Акциялар нархيني ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.			Юридик консультантлар
9. “Агробанк” АТБ					
1.	“IPO”га тайёргарлик кўриш.	<p>1. Банкни аудитдан ўтказиш ва Банкнинг “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “IPO” учун консультантларни (андеррайтерлар, глобал координаторлар, консультантлар, букраннерлар ва қўшма бош менежерларни), техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш учун брокерлар ва бошқа консультантларни аниқлаш ва жалб қилиш.</p> <p>3. Бизнес-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>4. Мақсадли капитал тузилмасини аниқлаш, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO”га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Бизнес-режа лойиҳаси Амалий чора-тадбирлар</p>	2022 йил август- октябрь	“Агробанк” АТБ (P.Маматкулов), андеррайтер(лар), молиявий ва юридик консультант(лар)
2.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш	<p>1. Дастлабки ўрганиш натижалари асосида акцияларни сотиб олиш бўйича аризаларни йиғиш учун нарх чегараларини белгилаш.</p> <p>2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи билан келишиш.</p>	Бошқарув органи баёни	2022 йил сентябрь-октябрь	“Агробанк” АТБ (P.Маматкулов), андеррайтер(лар)
3.	Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш	<p>1. Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш.</p> <p>2. “IPO” ўтказиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш.</p> <p>3. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини ваколатли давлат органи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	Бошқарув органи баёни	2022 йил сентябрь-2023 йил январь	“Агробанк” АТБ (P.Маматкулов)

4.	Обуна кампанияси	<p>1. Ахборот ҳужжатларини тайёрлаш (варақалар, буклетлар, баннерлар, меморандумлар, аудио-видеоклиплар ва бошқалар).</p> <p>2. Обуна кампаниясининг графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Ахборот ҳужжатларини инвесторлар ўртасида тарқатиш, шунингдек, жойларда ариза ва тўловларни қабул қилиш имкониятини яратишни назарда тутувчи Обуна кампаниясини ўтказиш (шу жумладан, республика ҳудудларида).</p> <p>4. “IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш бўйича тадбир ташкил этиш.</p> <p>5. Эмиссия котировка нархини эълон қилган ҳолда, транзакцияни рўйхатдан ўтказиш йўли билан қўшимча акцияларни жойлаштириш.</p> <p>6. Эмиссия ташкилотчиси томонидан акцияларнинг жойлаштирилмаган қисмини фонд биржасида белгиланган котировка нархида сотиб олишни (акциялар жойлаштирилмаган тақдирда) ташкил этиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил январь-июнь	“Агробанк” АТБ (Р.Маматкулов), андеррайтер(лар)
5.	“IPO” натижаларини сарҳисоб қилиш	<p>1. Ўтказилган “IPO” натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш.</p> <p>2. Аризалар қониқтирилмаган тақдирда, маблағларни қайтариш.</p> <p>3. Акциялар нархини ҳамда уларга бўлган талаб ва таклифни қўллаб-қувватлаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил июнь	“Агробанк” АТБ (Р.Маматкулов), андеррайтер(лар)
10. “Ўзмиллийбанк” АЖ					
1.	“IPO”га тайёргарлик кўриш.	1. Банкни аудитдан ўтказиш ва “IPO” жараёнида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил октябрь	“Ўзмиллийбанк” АЖ (А.Мирсоатов)

		<p>2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Бошқа жамиятлар билан таққослама таҳлил асосида Кузатув кенгаши корпоратив бошқарувининг мақсадли тузилмасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мақсадли капитал тузилмасини, молиялаштиришнинг мумкин бўлган сценарийларини аниқлаш ва ушбу сценарийларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш.</p> <p>5. “IPO” учун консултантларни (глобал координаторлар, букраннерлар ва қўшма бош менежерларни), техник шартларни тайёрлаш, тижорат ва хизмат ҳақи бўйича шартларни келишиш учун брокерлар ва бошқа консултантларни аниқлаш ва жалб қилиш.</p> <p>6. “IPO”га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>7. Акцияларни “Тошкент” республика фонд биржасининг биржа котировкалари рўйхатига киритиш.</p>	Бизнес-режа лойиҳаси		
2.	Акциялар учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш.	<p>1. Дастлабки ўрганиш натижалари асосида нарх чегараларини белгилаш.</p> <p>2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш нархини бошқарув органи (Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши) билан келишиш.</p>	Бошқарув органи баёни	2023 йил июнь	“Ўзмиллийбанк” АЖ (А. Мирсоатов), андеррайтер(лар)
